


Пахлавон Маҳмуд

Буюк аждодимизнинг ўзбек маънавияти ва кураш санъатидаги ўрни

РУҲИЯТНИНГ ПОЁНСИЗ ОСМОНИ

улуғлинига ҳасад кўзи билан қараб, шоирни улуғлаганларга маломат тошларини ёғдирдик, уларни мутаассибликда айблаб, ўзимиз эришолмаган ва эришолмайдиган даражадаги инсонни бу даражадан маҳрум қилмоқчи бўлдик. Бу аҳвол инсон заковати мангулиги билан бир қаторда бу



Улуғнинг асосати, буюк эл завои,
Ўзини унутиб биз эл ойиноси.
Эл тоғи каби бошга кўтарсин бесанги,
Эл кўлини тутгани бул хокипоеси.
Пахлавон Маҳмуд.

Мустақиллик нафақат бизга ўзгирганини, балки шон ва шухратга тўла тарихимизни, умри мангу безавол бўлган қадриятларимизни қайтиб берди. Ўзбек халқи азал-азалдан ўзининг пахлавон ва мард, танги фарзандларини, уларни орият тимсоли деб қабул қилиб, осмонлар қадар кўкларга кўтариб, қадрлаб келган. Она заминимизда туғилиб ўсган, яъни элнинг, юртинг орини олиб келган, ҳар бир ўзбекман деган полвон халқимиз томонидан жуда ҳам қадрланади. Номини эса ҳавас билан билиб олинади. Пиримиз Пахлавон Маҳмуд ўзбек халқининг шундай улуғвор фарзандларидан биридир.

Меҳр-шафқат, оқибат тушунчалари ҳақида одатдагидан кўра кўпроқ мулоҳаза юргизаётганимиз, афсуски, мазкур сўзлар ифодага эришган ахлоқий фазилатлар бизда камёб бўлиб қолганини, ҳайриятки, бу тақчилликни ўз вақтида, тўғирори, анча кечикки, лекин ҳар қалай пайқаганимизни ва бу ҳақда бонг ура бошлаганимизни билдиради.

Йўқотаяган маънавий қадриятларимиз ҳақида қайғуғар эканмиз, уларга қайта эришмоқ учун, табиийки, нафақат кечаги ё ўтган кунги, айни пайтда узоқ ўтмишдаги таянч нуқталаримизга мурожаат қиламиз. Негаки, бундай йўқотишлар инсоният тарихида биринчи мартаба бўлаётгани йўқ, шунингдек, бундай йўқотишларга йўл қўймастик учун курашлар ҳам янгилик эмас.

Ўтмиш сабоқларидан озиқ олиб турмаслик жамиятни пировард натижада илдиризликка олиб келади. Илдириз сиз дархтнинг қисмати эса яхши маълум.

Пахлавон Маҳмуд ана шундай муқаддас илдирилмиримиздир. Халқимиз ўзининг буюк шоирини аср-асрлар давомида авлиё деб улуғлаб келди. Биз эса унинг бу

заковатга бўлган ҳасаднинг умри ҳам боқийлигини кўрсатувчи аянчли бир далилди. Ваҳоланки, авлиё деган сўз азиз. Қадрдон, дўст деган мазмунларни беради. Эл ўзининг пешқадам фарзандларини ҳаққа, халққа яқин, дўст деб ардоқласа унга не айб! Пахлавон Маҳмуд ўзининг ижодий, ижтимоий фаолияти ва бу фаолиятнинг муайянлиги ҳамда натижалилиги билан авлиёлик маснадига муносиб зот бўлган. Ул зот бу даражага ҳеч қачон тирмашмаган, бу даражадан ҳеч қачон тўшмаган, балки бу даражада мангу барқарор сиймодир. Пахлавон Маҳмуд ўзини мискин ва ғарибларнинг оғи остига ташлаб яшади, шу боисдан ҳам ҳукмдорлар ўзларини шоирнинг пойига дафн этишларини васият этиб, ватанимиздан элга қилган-қилмаган зулмлари учун мангу кечирим сўраб ётибдилар.

Дунёда битта бахтсиз одам яшар экан, бошқалар ўзларини бахтиёр санашга ҳақли эмас. Бу фикр Пахлавон Маҳмуд ва унинг маслакдошлари бўлмиш жувонмард-дийларнинг фаолиятдан келиб чиқадиган энг оддий ва энг ҳаққоний худосадир. Шу боисдан ҳам шоир умумбашарий бахтсизликнинг умри ҳали узоқ-узоқ бўлишини юрак-юракдан ҳис қилиб яшади. Буни ўз шеърларида акс эттирди.

Ўткинчи бу оламда киши хурам эмас, йўқки биров, кўнгли унинг беғам эмас. Шод бўлса бу оламда бирон одам агар, Бил бу икв на олам, на одам эмас.

Пахлавон Маҳмуд учун бахтни бахтсизлик, бахтсизликни бахт деб билиш содда ва синмас бир ҳақиқат эдики, бу ҳақиқатни теран ҳис қилиб ҳаёт кечирши унинг шеърятига енгилмас бир дардмандлик бахш этган.

Пахлавон Маҳмуд ҳаёт лаҳзаларидан бизгача етиб келган бир ривоятни тез-тез эслаб тураман. Ҳазрат Ҳиндистон сафари пайтида ҳиндлар тарафида жанг қилиб, подшо Рай Ропой Чўнани ўлимдан қутқарганида ҳукмдор унга қараб "Тила тилагингни" дейди. Шунда пахлавон шоир "Шоҳим, менга улкан бир терига синадиган собиқ асир ҳамюртларимни берсангиз, мен уларни овоз қилиб Хоразмга олиб кетсам" деб жавоб қайтаради. Шоҳ розилик бергач, Пахлавон Маҳмуд ўз пўстиндўзлик хунарини ишга солиб, терини ингичка қилиб кесиб чиқади ва улкан бир саройнинг деворларига михлар қоқиб ташлаб, ҳалиги теридан тилимланган узунлиги беҳад торларни михларга чатиб чиқади, унга ҳамма хоразмликларни сифдириб, ватанига олиб кетади.

Ҳазратнинг рубойлари ҳам руҳларимиз қасрига чатилган ўзига ҳо тафаккур ипларидир. Уларнинг ичига ҳаммамиз сизамиз.

Р. ШЕРЖАНОВ,
Халқ депутатлари Хоразм вилояти
Янгибозор туман кенгашлири
депутати, агросаноат мажмуи
ходимлари қасаба уюшмаси туман
кенгаши раиси.

Ўқувчилар ижодидан
ТУНГИ ПОСБОНЛАР

Самода саф тортар тунги посбонлар,
Танҳо ой уларнинг ёлғиз бекаси.
Уларга кам минг бир дostonлар,
Чеки йўқ осмоннинг шулар эгаси.
Осмонга зор термулган дарахтлар,
Барглари шитирлаб, уни олқишлар.
Зангори осмонга зеб бериб булут,
Ерни покламоқ учун қилар ёғишлар.
Осмон қадар бўй чўзган нав-ниҳоллар,
Ҳавас қилар юксак, мовий осмонга.
Ерга бермаслик учун бекасини,
Юлдузлар айланганлар посбонга.

Мафтун РУСТАМОВА,
4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

МЕНИНГ ОНАЖОНИМ

Сўзларида сеҳри бор,
Кўзларида меҳри бор.
Олам-олам сеҳри бор,
Менинг онажонимнинг.
Дили яйрайди кудсам,
Йиғласам у ҳам йиғлар.
Бирон жойга узоқ кетсам,
Йўлимни пойлаб кутар.

Яшнасин кўнгил боғи,
Уйимизнинг чироғи,
Бўлай, суянган тоғи,
Менинг онажонимнинг.

Севинчой ЙЎЛДОШЕВА,
10-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати
ўқувчиси.

Э Ё Л О Н Л А Р

Хоразм вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари асосида туман давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб, ҳозирги даврда фаолият юритмаётган куйидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиши ишлари бошланганлиги муносабати билан таъсис ҳужжатлари, гувоҳнома, муҳр ва штамплари бекор қилинади:

1. "Йўлдош Жуманов" хусусий қорамолчилик фермаси, СТИР 203374287, манзили Қаландардўрман қишлоғи;
2. Дехқон ва фермер хўжаликлар вакиллиги қошидаги "Фермер" ширкати, СТИР 203298420, манзили Янгибозор шаҳарчаси;
3. "Хогарт polymer" масъулияти чекланган жамияти, СТИР 301136439, манзили Янгибозор шаҳарчаси.

Туман давлат солиқ инспекцияси.

1980 йилда Оёқдўрман қишлоғида туғилган Исмаилов Шокир Ражабаевичга 1997 йилда 7-сонли мактабни тугатганлик тўғрисида берилган ОР-А № 071537 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Yangibozor chorgva ozuqa" (СТИР 305913204, манзили Ширинқўнғирот қишлоғи) МЧЖ ҳамда "Artur texnika olami" (СТИР 305619728, манзили Янгибозор шаҳарчаси) МЧЖ "Eldosh saxovat" (СТИР 302565767, манзили Янгибозор шаҳарчаси) хусусий корхонасига қўшилади.

Янгибозор туман давлат хизматлари марказида 2015 йил 2 февралда 54 рақам билан рўйхатга олинган "Good will trade" (СТИР 303049860, манзили Боголон қишлоғи) МЧЖ 2014 йил 14 декабрда 57 рақам билан рўйхатга олинган "Visola Abrogbek" (СТИР 301630229, манзили Боголон қишлоғи) МЧЖга қўшилади.

Тошкент ахборот технологиялари институтининг Урганч филиали қошидаги 1-сонли академик лицейни 2003 йилда ўқиб тугатганлиги тўғрисида Давлатов Акбар Тўлибоевичга берилган рўйхат рақами 267, L № 006384 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MUASSIS: YANGIBOZOR TUMAN HOKIMLIGI	MUHARRIR: O'razmat YAXSHIMURODOV.	MANZILIMIZ: 221200. Xorazm viloyati, Yangibozor shaharchasi, Furqat ko'chasi, 2-uy. TEL: 41-92-907.	Gazeta tahrirat kompyut-rida terildi va operator Nurullo YAXSHIMURATOV tomonidan sahifalandi.	Gazeta «Urganch Master Servis» XKda oiset usulida 832 nusxada chop etildi. Bosmaxona manzili: Urganch sh. Xiva ko'chasi, 106/1-uy. Tel.: 229-35-55 TEZKOR CMYK MATBAA
Gazeta 2011 yil 7 sentabrda 13-007 raqami bilan davlat ro'yxatiga olingan. Qog'oz bichimi: A-3. Hajmi-1 bosma qog'oz.	Nashr ko'rsatkichi - 505	ISSN 2010-7684	Buyurtma: 1603.	BOSISHGA TOPSHIRISH VAQTI-10:00 BOSISHGA TOPSHIRILDI-10:00
WWW. YANGIBOZORKUZGUSI.UZ				

ЯНГИБОЗОР КЎЗГУСИ

МУАССИС: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Газета 1953 йил июл ойидан чиқа бошлаган * E-mail: yangibozkuzgusi@inbox.uz. * 2019 йил 6 август, сешанба * № 19 (1512)

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

«Обод марказ»

ОБОДЛИК ЯРАШАР ЭЛИМИЗГА



Айни кунларда ҳам-манинг дилида бир ишонч - тез кунларда Янгибозор обод шаҳарча бўлади. Марказда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, уй-жойга муҳтож кам таъ-

минланган, ногиронлиги бўлган аҳоли учун давлат хусусий шерикчилик асосида 200 кв.метр ҳажмда 30 та уй-жой қурилиши давом қилмоқда. Қурилиш ишларида вилоятимиздаги барча қурилиш ташкилотларидан қурувчилар қатнашмоқда. Улар қисқа муддат ичда уйларни битказишмоқдалар. Ҳозирда қурилиши битказилган уйларда шифер қилиш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш учун материаллар - гишт, цемент, қум, тахта, шифер ва бошқалар узлуксиз келиб турганлиги боис қурилиш ишлари жадал олиб борилапти. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини бажараётган қурувчиларнинг ҳаракатларини кўриб ҳайрон бўласиз. Уларнинг қўллари қўлларига тегмайди. Ҳар бир қурувчи ўзига биркитилган ишни қилиш билан банд.

Ж. Мангуберди кўчасида тадбиркорлар томонидан турли хил объектлар қурилиши бошлаб юборилди. Музқаймоқ, фотостудия, гузаллик саломи ва келин либослари, манший хизмат, китоб дўкони, новвойхона, гул дўкони, озиқ-овқат дўкони, дорихона каби хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилади. Яқин кунлар ичда Ж. Мангуберди кўчасида катта ўзгаришларга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

М. ҚУВВАТОВ.

Сайёр қабуллар

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА УСТУВОР ЭЪТИБОР



«Олтинқўл» маҳалласида яшовчи фуқаролар билан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Қ. Отажонов «Сайёр қабул»

ўтказди. Маданият ва аҳоли дам олиш марказида бўлиб ўтган ушбу учрашувга

маҳаллада яшовчи аҳолидан ташқари кўплаб фуқаролар ҳам ташриф буюрдилар. Учрашувда Қ. Отажонов пенсия тизимига оид қонун ҳужжатлари ва янгиликлардан фуқароларни бохабар қилди, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ва Қонуности ҳужжатларига доир саволларга жавоб берди.

Учрашувда республикамизда олиб борилаётган барча ислоҳотлар халқ манфаатлари учун амалга оширилаётгани, мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Пенсия жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган янги концепцияда кўтарилган масалаларнинг моҳияти, амалга оширилаётган янгиликлар тўғрисида фикр (Давоми 2-бетда).

Илгор фермер хўжалигида

ПАХТА ВА ҒАЛЛАДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Мақсуд Сапарбоевни Бўзқалъа қишлоғидагина эмас, туманимизда, вилоятимизда ҳам илгор фермер хўжалиги раҳбари сифатида яхши билишади. Хўжалиқда муқтазам равишда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб келинмоқда. У Бўзқалъа қишлоғидаги "Тайиржон-Зайиржон" фермер хўжалиги раҳбари. Пахта ва бугдой етиштиришга ихтисослашган уруғчилик фермер хўжалиги 101,3 гектар экин майдонида 32 нафар ишчи меҳнат қилиб, йилдан-йилга юқори натижаларга эришаяптилар.

Тажрибали деҳқон агротехника қондаларига риоя қилган ҳолда ҳар йили 3-4 мартаба ерларнинг шўрини ювиши, кейинги 3 йилда 5,1 км. ариқ ва зовур тозаланиб, ерларнинг захлашининг олдини олиниши, маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланиши натижасида фермер хўжалиги ер майдонининг ўртача 45,1 балл баннитетдан 50,2 балл баннитетга кўтарилишига эришилган. М. Сапарбаев томонидан сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, сув танқислигининг олдини олиш мақсадида фермер хўжаликлари экин майдонларини сурориш жадвали ишлаб чиқилган.

Натижада фермер хўжалигида 2015-2018 йилларда 576 тонна пахта етиштирилиб, пахта ҳосилдорлиги 8-9 центнерга оширилиб, 40-45 центнерни ташкил этган, шартнома режаси 174,5 фозизга бажарилган. 2015-2018 йилларда 382,3 тонна ғалла ҳосили етиштирилиб, ғалла ҳосилдорлиги 9-10 центнерга оширилиб, 80 центнерга етказилди, шартнома режаси 183,8 фозизга бажарилган.

М. Сапарбаев боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Айниқса, Хоразмнинг қадимий "Турвак", "Олахоммо", "Зарғуллуби", "Хоразм гулоби" қовун навларини тиклаш борасида ҳам амалий тадбирларни амалга оширмоқда. Фермер хўжалиги ҳудудида 5500 дан ортӣқ мевали ва манзарали дарахтлар экилган.

Деҳқончиликдан мўл маҳсулот олинаётгани туфайли даромад ҳам ошиб бормоқда. Фермер хўжалиги сўнги уч йилда 1,3 млрд. сўмлик даромад қилган бўлса, шундан 574,1 млн. сўм соф фойда олган. Олинган даромад ҳисобидан хўжаликнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, юқори унумли 1 та БТ-150, 1 та ТЭС-135 ҳайдов трактори ва 2 та энгил автомашина ва бир қатор бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди.

Хўжалиқда кейинги уч йилда жами 10 та янги ишни ўрни яратилди. Хусусан, сартарошхона, этикдўзлик устахонаси қурилиб фойдаланишга топширилганлиги натижасида жами 4 та янги ишни ўрни яратилиб, бугунги кунга қадар 3 нафар касб-хунар коллежи битирувчилари доимий иш билан таъминланган. Фермер томонидан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ишларига ва кам таъминланган оилаларга 22,6 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Қишлоқдаги 25-сон мактабгача таълим муассасасига 3,7 млн. сўм, туман болалар спортини ривожлантириш учун 2,3 млн. сўм, тумандаги болалар ёзги оромгоҳи учун 1,5 млн. сўм, қишлоқдаги 19-сон умумий ўрта таълим мактабни таъмирлашга ва ҳар хил тадбирларни ўтказишга 3,2 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Илгор фермер пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун муносиб тақдирланмоқда. 1999 йил "Шухрат" медали билан, 2018 йил Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг "Илгор фермер" кўркрак нашонини билан мукофотланган. Фермер жамоат ишларида фаол иштирок қилади. У халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты сифатида туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Тумандаги фермерлар билан минитехнологияларни жорий этган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўймоқда.
Д. ОТАЖОНОВ,
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раҳбари.

Конунчиликдаги янгиликлар

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби

Хукумат қарори (620-сон, 24.07.2019 й.) билан Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бепул амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунара, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақининг 3 баравари миқдоридан йигим ундирилади.

Куйидаги ҳолларда ҳужжатларни тан олиш синовларсиз амалга оширилади:

- умумий ўрта ва ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунара ва малака ошириш таълимини олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Ўзбекистонда бўлинмалари ва қўшма таълим муассасалари мавжуд хорижий таълим муассасаларида ўқиган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Халқаро 1000 талик рейтингга кирган олий таълим муассасаларнинг ҳужжатлари;
- вазирлик ва идоралар йўлланмалари асосида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- 1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Олий таълимда сифатни баҳолаш Европа ассоциациясининг аъзолари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олганларнинг ҳужжатлари;
- АКШ, Австралия, Исроил, Канада, Сингапур, Жанубий Корея, Япония давлатларида аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олганларнинг ҳужжатлари;
- вазирлик ва идоралар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- халқаро шартномалар, Президент ва ҳукумат ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

Талабгорлар сўровномага таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат, унинг иловаси ҳамда уларнинг ўзбек тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхасини илова қилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА УСТУВОР ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда). билдирилди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг мазмуни ва моҳияти тушунтириб ўтилди.

«Сайёр қабул»да қатнашган фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар. Жумладан, фуқаролар Н. Ражабов, Я. Ортиқов, З. Холмуратоваларнинг пенсия таъминоти тўғрисида берган саволларига қониқарли жавоблар берилди.

Р. АВАЗОВ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи.

Синов асосида тан олинган ҳужжатлар учун тест синовлари ташкил этилади ва бу ҳақида 10 кун олдин Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг сайтыда эълон қилинади.

Тест синови 50 та саволдан иборат бўлади ва 54 ва ундан кам балл тўплаган талабгорларнинг ҳужжатлари тан олинмайди.

2019 йил 1 сентябрдан хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун аризалар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади.

Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш

Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинди (626-сон, 25.07.2019 й.).

Қарор билан Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби ҳамда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Ушбу муассасаларда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил қилиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги танлов ўтказад.

Мазкур усулда овқатлантиришни ташкил этиш орқали тежалан маблағ тарбияланувчиларнинг овқатланиш шароитларини яхшилашга йўналтирилади.

Қарорга кўра, 2019-2020 ўқув йилидан ОТМларда умумий квоталар доирасида "Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш" йўналишида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим муассасалари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчилари ҳар 3 йилда бир марта соғлом овқатлантириш йўналишида малакасини оширади.

Қурол тўғрисидаги Қонун имзоланди

Ўзбекистон Республикасининг қурол тўғрисидаги Қонуни имзоланди (ЎРҚ-550-сон, 29.07.2019 й.).

- Қонунга кўра қуролнинг қуйидаги турлари фарқланди:
- фуқаровий қурол;
- хизмат қуроли;

- жанговар қурол. Фуқаровий қурол жумласига ов, спорт ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш қуроллари киради. Қуйидагилар ўзини-ўзи ҳимоя қилиш қуроли ҳисобланади:

- газли қурол - кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли қурималар ва бошқа қурималар;
- электрошок қурималари, учқун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи тасьири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурималар.

Жамоат жойларида, шаҳар, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда қуролни очiq ҳолда (ғилофсиз) олиб юриш тақиқланади.

18 ёшга тўлган фуқаролар фуқаровий спорт қуролини ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш қуролини, 21 ёшга тўлган фуқаролар фуқаровий ов қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Миллий гвардия органлари томонидан бериладиган 3 ойлик руҳсатномалар асосида фуқаровий ва хизмат қуроли олиниши мумкин.

Фуқаровий ва хизмат қуролини олишга доир руҳсатнома қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқини бермайди.

Қуролни олишга доир руҳсатнома қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқини бермайди.

Рухсатнома олиш учун фуқаролар доимий яшаш жойи бўйича Миллий гвардия органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

- ариза;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);
- қуролдан хавфсиз фойдаланиш қодаларига оид билими текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;
- қуролга эгаллик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий хулоса;
- йигим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномаси (ов қуролини олиш учун);
- овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномаси (сойли стволли ов ўқотар қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват 65 жоулдан юқори ва калибри 9 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун);
- отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномаси (спорт қуролини олиш учун).

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 6 ой ўтгач кучга киради.

С. ЯВҚАЧЕВ, туман адлия бўлими бошлиғи.

Фармон ва ижро

МАБЛАҒ АЖРАТИБ БЕРИЛДИ

-республикада мавжуд каби бир қанча вазифалар "Баркамол авлод" болалар топширилган.

Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан туманда халқ таълими бўлими тасарруфидаги "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил қилинадиган робототехника тўғарақ хонаси учун зарур моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун туманинг 2019 йил 2-чорак даромадлари режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан туман ҳокимининг фармойишига асосан 70274000 (Етмиш миллион икки юз етмиш тўрт минг) сўм маблағ туман халқ таълими бўлимига ажратиб берилди. Нагжидада тумандаги ўқувчиларга ўз истезодини намоеън этиш учун кенгроқ имкониятлар яратиб берилди.

Ҳулоса шуки, аҳолини рўйхатга олиш маълумотларидан миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ва мониторингни юриштида, аҳоли пунктларининг инфратузулмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муددатли прогнотлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Бу омили жамяят тараққиётининг негизи эканлиги шубҳасиз.

Б. АРТИҚБОЕВ, туман статистика бўлими бошлиғи.

Муҳим тадбирга тайёргарлик кўрилмақда

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳар қандай давлатнинг тарихи - бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5655-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мазкур Фармон ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг тааллуқли қарори қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда биринчи мартада аҳолини рўйхатдан ўтказиш режалоштирилётганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Аҳолини рўйхатга олиш ақуларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогнот қилиш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз аҳолиси сонини аниқ ҳисоблаб чиқиш, уларнинг жинси, ёши, онлавий аҳоли, маълумоти, турмуш даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган.

Мазкур Фармон мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилажак асосли ва ишончли маълумотлар базасини яратиш, республикадаги ижтимоий вазиятга янада ойдинлик киритишга хизмат қилади. Чунки маҳаллий ҳамда хорижий компанияларнинг самарали фаолиятида ҳудудлардаги реал ҳолатни бишлиш, прогнот қила олишнинг муҳим омиллардан саналади.

БМТ тавсияларига кўра, аҳолини рўйхатга олиш 10 йилда камида бир мартаба ўтказилиши белгиланган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳолининг сони, ёши, жинси таркиби, ҳудудий жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ҳолатларидаги ўзгаришлар аҳолининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган концепцияга асосан, Ўзбекистонда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилади. Бу вилоятимизнинг, туманимизнинг янги, муқаммал кадастр харитаси яратилади деганидир. Бундан ташқари, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб ҳудудларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларни эълон қилишга доир чора-тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш белгиланган.

Рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маълумотлар эндиликда ягона электрон ахборот тизимига киритилади. Нагжида вилоятимизнинг шаҳар, туманидан тортиб, маҳалласи-ю кўчасигача, чекка кишлоқларигача алоқадор барча маълумотни ўзида акс эттирган кенг қамровли ахборот манбаига эга бўлади. Бу қимматли маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнот қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши, фан ва жамяятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

Ҳулоса шуки, аҳолини рўйхатга олиш маълумотларидан миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ва мониторингни юриштида, аҳоли пунктларининг инфратузулмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муددатли прогнотлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Бу омили жамяят тараққиётининг негизи эканлиги шубҳасиз.

УЧ ЭГИЗАК КАМОЛГА ЕТМОҚДА



Шу боисдан қизига ошган болажонларнинг чақалоқларни тарбия-шодон қийқиришларини лаишда кўмакдош бўлди. кўриб ота-оналар мамнун. Айни кунда гўдақлар соғлом А. ЖУМАНИЕЗОВ. гўдак тарбиясини яхши улғаймоқда. Бир ёшдан

"Обод қишлоқ" БИРИДАН ҚУВОНАСАН, БИРИ КУЙДИРАДИ

"Чўболончи" маҳалласида бу йил қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари авжида. Тоза ичимлик суви тармоғи тортилмоқда. Кўчаларга тунги ёритгичлар ўрнатилаяпти. Айниқса, ушбу ерритгичларнинг қуёш энержияси билан ишлаши ҳаммани



мамнун қилаяпти. Эндиликда электр токисиз ҳам кўчалар тунлари ёруғ бўлади. Бундай хайрли ишлар қувонтиради, албатта. Бироқ, кўнгилини хира қилувчи

ҳайдовчилар ҳар бир ўнқири-чўнқирни айланавериб сарсон бўлади. Кишлоқдан ўтган "Манғит" канали кўприги қурилганига 30 йилча бўлиб қолди. Эндиликда бу кўприк

ҚОВУН ПАШШАСИДАН САҚЛАНИНГ

Қовун пашшаси личинкаси асосан қовунни, кам миқдорда тарвуз, ошқовоқ ва бодрингни кемириб зарарлайди. Сохта гўмбаги тупроқда қишлайди. Баҳорда қовун гуллаш пайтида пашшалари уचा бошлайди. Ургочилари 6-8 қундан сўнг мева пўсти остига 1 тадан тухум қўя бошлайди.

Пашшалари 2 ойгача яшайди. Битта ургочиси жами 120 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкалари қовун мағзи ва уруғлари билан озилқаниб, вояга етгандан сўнг чиқиб тупроқда гўмбака кетади. Зарарланган қовунлар чириб кетади. Қовун ҳосилларини 100 фойзгача зарарлаши мумкин. Ийлига 2-3 марта авлод бериб ривожланади.

Куратиш усуллари: Агротехник; далада чириган қовунларни йиғиб олиб йўқотиш; ерни чуқур шудгор қилиш; эртапишар навларни эрта муддатларда экин (пашша фақат энди пайдо бўлган меваларни зарарлайди, пўсти қотган меваларга тухум қўя олмайди).

О. ҚўЧҚОРОВ, У. ДАВЛЕТОВ, "Хоразмдавкаранти" инспекцияси 1-тонфали агроном инспекторлари.